


## “ТАСДИҚЛАНГАН”

“Бизнесни ривожлантириш банки”  
акциядорлик тижорат банки  
Кузатув кенгашининг  
2024 йил 26 сентябрдаги  
24-сонли баённомаси билан  
Банк Кузатув кенгаши аъзоси



Т.Н. Хусанов

“26” сентябр 2024 йил  
(сана)



## “РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси  
Истикболли лойиҳалар  
миллий агентлиги  
Директорининг  
биринчи ўринбосари



В. Пак

“17” октябрь 2024 йил 1600632 -сон  
(сана) М.Ў.



## Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги Қ А Р О Р

### “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки

|                                |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |
|--------------------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Берилган идентификация раками: | R | U | 1 | 3 | 2 | P | 0 | 0 | 0 | 6 | R | 7 |
|--------------------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклидаги номинал қиймати 119,25 (Бир юз ўн тўққиз сўм 25 тийин) сўм бўлган 22 755 616 440 (Йигирма икки миллиард етти юз эллик беш миллион олти юз ўн олти минг тўрт юз қирқ) дона умумий қиймати 2 713 607 260 470,00 (Икки триллион етти юз ўн уч миллиард олти юз етти миллион икки юз олтмиш минг тўрт юз етмиш) сўмлик оддий акциялар.

Мазкур акциялар ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши 32 (Ўттиз иккинчи) чиқарилишдир.

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Кузатув кенгашининг 2024 йил 26 сентябрдаги 24-сонли баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган.

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Кузатув кенгашининг 2024 йил 26 сентябрдаги 24-сонли баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 18А-уй, 100011;

Тел.: (78)150-93-39, (78)150-76-65;

Электрон почта манзили: info@brb.uz, расмий веб сайти: www.brb.uz;

Бошқарув раиси в.б.

Бош бухгалтер в.в.б.



С.С. Аннакличев

Д.А. Акрамов

“ ” сентябр 2024 йил



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли)

Оддий

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли

хужжатсиз

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм)

119,25 (Бир юз ўн тўққиз сўм 25 тийин) сўм

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона)

22 755 616 440 (Йигирма икки миллиард етти юз эллик беш миллион олти юз ўн олти минг тўрт юз қирқ) дона

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм)

2 713 607 260 470,00 (Икки триллион етти юз ўн уч миллиард олти юз етти миллион икки юз олтмиш минг тўрт юз етмиш) сўм

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари

Банкнинг акцияларига эгалик қилиш акциядорларга Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 26-27 ва бошқа моддаларда назарда тутилган ҳуқуқларни беради.

Банк акциядорлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банк акциядорлари реестрига киритилиш;
  - депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
  - Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
  - Банк тугатилган тақдирда, ўзларига тегишли улۇшга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
  - акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
  - Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
  - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
  - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
  - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
  - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сўғурта қилиш ҳуқуқига эга.
  - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- Шунингдек, акциядорлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва банк Уставида назарда тутилган боша ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар

Ушбу акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан мазкур эмиссия доирасида чиқарилган акциялар банк акциядорларига имтиёзли олиш ҳуқуқини қўллаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 сентябрдаги ПҚ-312-сонли ва ПҚ-313-сонли Қарорларига мувофиқ ҳамда жалб қилинган инвестициялар ҳисобидан ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):

3 000 000 000 071,25 сўм

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):



|                                                                           |                  |
|---------------------------------------------------------------------------|------------------|
| а) чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий сони, донада                   | 25 157 232 705   |
| б) чиқарилган қимматли қоғозларнинг тури ва уларнинг турлари бўйича сони: |                  |
| эгаси ёзилган оддий акциялар, дона                                        | 25 148 232 705   |
| эгаси ёзилган имтиёзли акциялар, дона                                     | 9 000 000        |
| в) чиқариш шакли:                                                         | хужжатсиз шаклда |

**10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади).**

Банк облигацияларининг I (биринчи) чиқарилуви 2010 йил 22 январ куни P0843-сон билан рўйхатга олинган:

|                                                              |                                                               |
|--------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------|
| а) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли               | хужжатсиз (нақдсиз) эгасининг номи ёзилган оддий облигациялар |
| б) чиқарилишдаги облигациялар сони                           | 10 000 (Ўн минг) дона                                         |
| в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм | 500.000,0 (Беш юз минг) сўм                                   |
| г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм   | 5.000.000.000,0 (Беш миллиард) сўм                            |

Банк облигацияларининг II (иккинчи) чиқарилуви 2012 йил 26 декабр куни P0843-2 сон билан рўйхатга олинган:

|                                                              |                                                                 |
|--------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------|
| а) чиқарилишдаги облигациялар сони ва шакли                  | - хужжатсиз (нақдсиз) эгасининг номи ёзилган оддий облигациялар |
| б) чиқарилишдаги облигациялар сони                           | - 10.000 (Ўн минг) дона                                         |
| в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм | - 500.000,0 (Беш юз минг) сўм                                   |
| г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм   | - 5.000.000.000,0 (Беш миллиард) сўм                            |

**11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби**

**11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпик обуна)**

Ушбу акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан мазкур эмиссия доирасида чиқарилган акциялар банк акциядорларига имтиёзли олиш ҳуқуқини қўллаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 сентябрдаги ПҚ-312-сонли ва ПҚ-313-сонли Қарорларига мувофиқ ҳамда жалб қилинган инвестициялар ҳисобидан ёпик обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади.

**11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати**

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 (уч юз олтмиш беш) кун муддатда жойлаштирилади.

**Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси:** акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот ва акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи тўғрисидаги билдиришнома қонунчиликка мувофиқ эълон қилиниб, акциядорларнинг чиқарилаётган акцияларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги биринчи кун. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунига бошланади.

**Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси:** мазкур чиқарилишдаги сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 (уч юз олтмиш беш) кундан ошмаслиги лозим.

**11.3 Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби**

Акцияларни жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси орқали савдо қоидаларига асосан, битимлар тузган ҳолда амалга оширилади.



Мазкур эмиссия доирасида чиқарилган акциялар жойлаштирилишида андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагунига қадар чиқарилаётган акциялар имтиёзли ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга жойлаштирилмайди.

Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади.

**11.4 Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:**

**Тўлиқ номи:** Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси акциядорлик жамияти

**Жойлашган жойи:** Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй

**Почта манзили:** 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй, e-mail: [info@uzcsd.uz](mailto:info@uzcsd.uz), veb-sayti: [www.deponet.uz](http://www.deponet.uz).

**Телефони:** (99871)-211-09-09

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни қайд этувчи инвестиция воситачиси тўғрисидаги маълумотлар:

**Тўлиқ номи:** “Birinchi banklararo depozitariy” масъулияти чекланган жамияти

**Жойлашган жойи:** Тошкент шаҳар, Истикбол кўчаси, 15-уй

**Почта манзили:** 100047, Тошкент шаҳар, Истикбол кўчаси, 15-уй

**Телефони:** (99871) 267-37-42, факс: (99871) 267-36-42, e-mail: [bbd\\_1@mail.ru](mailto:bbd_1@mail.ru)

Лицензия рақами-1221, лицензия берган ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, берилган сана 2017 йил 4 апрель.

**11.5 Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби**

Ушбу чиқарилаётган акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.

Акциядор ушбу чиқарилишдаги акцияларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Банк акцияларини имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган сана яъни 2024 йил 26 сентябр куни ҳолатига шакллантирилган Банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

Банк акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида оммавий ахборот воситаларида билдиришномани эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни олишни таклиф этади.

Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкка (Банкнинг Бош офиси, филиаллари ёки банк хизматлари офислари (марказлари) орқали) юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкка (Банкнинг Бош офиси, филиаллари ёки банк хизматлари офислари (марказлари) орқали) тақдим этилиши керак.

Акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Банкнинг барча



акциядорларидан имтиёзли ҳуқукдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқукдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Имтиёзли ҳуқукнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар мазкур қарорда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

#### **11.6 Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби**

Ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларга номинал қийматда 119,25 (Бир юз ўн тўққиз сўм 25 тийин) сўмдан жойлаштирилади.

#### **11.7 Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби**

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида фақат пул маблағлари билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 сентябрдаги ПҚ-312-сонли ва ПҚ-313-сонли Қарорларига мувофиқ ҳамда жалб қилинган инвестициялар ҳисобидан нақдсиз шаклда ҳамда бошқа акциядорлар томонидан нақд ва (ёки) нақдсиз шаклда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Акциялар тўланишига келиб тушадиган нақд ва (ёки) нақдсиз шаклдаги пул маблағлари, шу жумладан пластик карталардаги пул маблағлари кўчирилиши лозим бўлган Эмитентнинг банк реквизитлари банк номи: “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки (қисқа номи: “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ), банк манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18 А уй., банк таркибий бўлинмаси номи: “Қимматли қоғозлар билан ишлаш бўлими”, банк таркибий бўлинмаси манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18А уй., банк СТИР: 206 916 313, банк ҳисобварақлари: 30318000700001037002 (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси) ва 30312000700001037001 (бошқа акциядорлар учун), банк коди (МФО): 01037 бўйича қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, акциялар учун тўланган пул маблағлари Банк-эмитентнинг тегишли ҳисобварақларида ҳисоби юритилади;

#### **11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:**

Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг 60 фоизидан кам қисми уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда жойлаштирилган тақдирда мазкур чиқарилиш амалга ошмаган деб эътироф этилади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда, Жамият томонидан мазкур ҳолат бўйича расмий тарзда оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан жамиятнинг расмий веб-сайтида (<http://www.brb.uz>) ҳамда Корпоратив маълумотлар ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) эълон қилинади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинган кундан бошлаб, 10 кун мобайнида акциялар учун қабул қилинган тўловлар ўрнатилган тартибда қайтарилади.

#### **12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби**

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот Корпоратив ахборотлар ягона порталида ([openinfo.uz](http://openinfo.uz)), “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб сайтида ([uzse.uz](http://uzse.uz)), ҳамда “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг расмий веб сайтида қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилади.

#### **13. Бошқа маълумотлар**

##### **Банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:**

“Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ ёки “БРБ” АТБ

“Biznesni rivojlantirish banki” aksiyadorlik tijorat banki



“Biznesni rivojlantirish banki” ATB ёки “BRB” ATB

Акционерный коммерческий банк “Банк развития бизнеса”

АКБ “Банк развития бизнеса” ёки АКБ “БРБ”;

Joint-stock commercial bank “Business development bank”

JSCB “Business development bank” ёки JSCB “BDB”

Эмитентнинг рўйхатга олинган рақами ва санаси - 1994 йил 2 август, 45-сон.

Лицензия рақами:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2023 йил 30 сентябрда 93-рақамли лицензия берилган.

Эмитентнинг асосий фаолият тури - банк фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобрақами: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб марказида очилган вакиллик ҳисобварағи 16103000700001037001, МФО 01037 “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкининг Бош амалиётлар бошқармаси.

Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – акциядорлик тижорат банки

Манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18А уй.

Статистика органларидан рўйхатдан ўтганлиги:

2009 йил 29 майда Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси томонидан Корхоналар ва ташкилотлар Ягона давлат регистрига киритилганлиги тўғрисида 31597-рақамли Гувоҳнома берилган.

Хос рақами (ОКПО)

код 15320710

ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури

код 96120

МШП бўйича мулкчилик шакли

код 144

ТХШ бўйича ташкилий ҳуқуқий шакли

код 1150

Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами

код 1726273

Солиқ органининг номи ва СТИР коди:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани Давлат солиқ инспекцияси, СТИР 206 916 313

Тикилган ва ракамланган  
6 (Олти) varaдан iborat

M.Y.

